

ПЗНЧ6.

У. 20.19.122



22-001-53550 - ШАРТНОМА

Тошкент ш.

02 феврал 2022 йил

"AKADEMIK O.S.SODIQOV NOMIDAGI BIOORGANIK KIMYO INSTITUTI" номидан асосида иш олиб борувчи ва бундан сўнг матнда "Буюртмачи" деб аталувчи бир томондан ва O'zMMI DM ("ЎзММИ" ДК) номидан Низом асосида иш юритувчи, бундан сўнг "Бажарувчи" деб аталувчи - унинг Директор в.б. САИДОРИПОВ Л. Ф. иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ИШЛАРНИНГ НАРХИ

1.1 "Буюртмачи" топшириғига кўра "Бажарувчи" ушбу шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида куйидаги таснифда кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

№	Хизмат кўрсатувчи бўлим	Ишлар тури ва ўлчаш воситаси номи	ЎВ нинг сони	Хизмат нархи		ККС 15%	Хизмат киймати (ККС билан)
				Бир донаси учун	Жами		
1	16	Хўжалик шартнома / 16-Ўлчаш воситалари ва синов ускуналарини сертификатлаштириш Ўрнатилгандан (йигилгандан) сўнг мазмунда хат бериш	1	468 021,02	468 021,02	70 203,15	538 224,17
Жами:				468 021,02	70 203,15	538 224,17	

Жами шартнома суммаси: Беш юз ўтгиз саккиз минг икки юз йигрма тўрт сум 17 тийин, шу жумладан ККС - Етмиш минг икки юз уч сум 15 тийин.

2. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- Ушбу шартнома кучга киргач, "Буюртмачи" 10 календарь куни мобайнида шартнома баҳосининг 30% микдорида "Бажарувчи"нинг хисоб ракамига олдиндан пул ўтказиш мажбуриятини олади. Ишлар бажарилгандан сўнг, "Бажарувчи" томонидан тақдим этилган хисоб-фактура асосида "Буюртмачи" 5 банк иш куни ичидаги колган сумманинг 70% микдорини "Бажарувчи"нинг банкдаги хисоб ракамига пул ўтказиш мажбуриятини олади.
- Ишлар Тошкент ш. ташкарисида бажарилганда қўшимча сайёр хизматлар учун алоҳида ҳак тўланади ва ишлар бажарилиш жойига бориш ҳамда намунавий ўлчаш воситаларини ташиш, яшаш ва суткалик харажатларни ўз ичига олади. "Буюртмачи" транспорт тақдим этган ва ҳакиқий ишлар бажарилиш жойида яшаш жойини таъминлаган ҳолларда қўшимча сайёр хизматлари учун ҳак тўланмайди.
- Қўшимча сайёр хизматларнинг нархи ҳакиқий ишлар бажарилиш жойига ва ишларни бажаришга жўнатилган "Бажарувчи" вакилларининг сонига боғлик ҳолда белгиланган тарифга мувофиқ ва ушбу шартноманинг ажралмас кисми хисобланган алоҳида хисоб-китоб билан аникланади.

3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ, ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- Шартноманинг 2.1. банди бажарилгандан сўнг, "Буюртмачи" З иш куни мобайнида "Бажарувчи"га шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган ўлчаш воситалари ва зарурий ҳужжатларни топширади.
- "Буюртмачи" томонидан мазкур шартномада кўрсатилган ўлчаш воситалари (синов воситалари), (зарур ҳолларда) стандарт намуналар, ҳамда зарур ҳужжатлар (тасдиқланадиган турдаги ўлчаш воситалари (синов воситалари), ўлчаш воситаларининг (синов воситаларининг) эксплуатация ва техник ҳужжатлари) топширилган вактдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 29 августдаги 528-сонли «Ўзбекистон Республикасида Метрология хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» карорида белгиланган муддатларда "Бажарувчи" ишни бажариш мажбуриятини олади. Шунингдек, техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ кўрсатилган муддатдан ошадиган ўлчаш воситалари бундан мутасно.
- "Буюртмачи" томонидан шартноманинг 2.1. ва 3.1. бандидаги шартларни ўз вақтида бажарилмаган ҳолатларда, "Буюртмачи" бу ҳакида "Бажарувчи"га ёзма хабар беришга мажбур. Бу ҳолда, ишнинг бошланиш муддати тегишли равишда кечикирилган вакт муддатига қўчирилиб, "Бажарувчи"нинг иш ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарлик келиб чикмайди.
- Шартнома бўйича ишлар якунлангач, "Бажарувчи" бажарилган ишларни "Буюртмачи"га топширади ва бажарилган ишлар далолатномасини тузади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида"ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигининг бошка амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал килинади. Келишувга эришилмаган низолар Тошкент туманлараро Иктисодий судида ҳал этилади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- Шартнома фақатгина томонларнинг келишуви асосида ўзгарилиши мумкин. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар кандай ўзгаририш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланади ва улар шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

- 6.2 Шартнома иккала томоннинг ўзаро келишувига кўра, бошқа бир томоннинг шартнома шартларини бузган холда ёки ишлар бажарилиши учун ўлчаш воситалари (синов воситалари) ва зарур хужжатлар уз вактида топширилмаган, шартноманинг 2.1. банди "Буюртмачи" томонидан бажарилимаган ёки ишлар бажарилишини кечикитириш хакидаги ёзма хабарномаси бўлмаган ҳолатлардакуидаги ҳолатларда бекор килиниши мумкин:
- 6.3 Шартномани бекор килишга қарор килган томон иккинчи томонга бекор килиниши кўзланадиган муддатдан 15 кун аввал ёзма хабарнома юборади.
- 6.4 Шартнома бекор килинганидан сўнг, шартнома юзасидан ҳакикий харажатлар бўйича ўзаро хисоб-китоб килинади.
- 6.5 Иш ва хизматлар нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиши вактида энг кам иш ҳаки микдори ўзгарганда, тегишли индексация коэффициенти асосида шартноманинг нархи кайта кўриб чикилади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.
- 6.6 "Бажарувчи" қуидаги маълумотларни "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз учинчи тарафга тақдим этмаслик мажбуриятини олади:
- ўлчаш воситаларининг (синов воситалари) калибрлаш (ёки қиёслаш) натижаларини, калибрлаш (ёки қиёслаш) баённомаси ва сертификати нусхаси, "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" ўртасидаги молиявий маълумотлар;
 - "Буюртмачи"нинг ходимлари хакидаги шахсий маблумотлар;
 - "Буюртмачи"нинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни билан боғлик маълумотлар, ривожлантириш бўйича режалари, схемалар ва чизмалар;
 - маҳсулот (хизмат) киймати ва нархи;
 - "Буюртмачи"га тақдим этилган бирламчи маълумотлар;
 - солик тўловлари ва бу бўйича имтиёзлари (агар бор бўлса) хакидаги маълумотлар.
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда Аккредитация органи, "Ўзстандарт" агентлиги ва бошка ҳукук тарғибот органлари томонидан бериладиган сўровлар бундан мустасно.
- 6.7 Калибрлаш натижалари бўйича спецификация ёки стандартга мувофиқлик тўғрисида баёнотни "Буюртмачи" сўрамайди "Бажарувчи" эса тақдим этмайди (колган хизматлар бундан мустасно).
- 6.8 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, колган барча ҳолатлар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини кўлладилар.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1 Агарда енгид бўлмас куч билан боғлик вазиятлар, масалан: сув тошкени, ёнгин, зилзила, эпедемия, ҳарбий можаролар, томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳукumat ёки маҳаллий ҳокимиyатлар томонидан кабул килинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурӣ карорлар, маъмурӣ ёки ҳукуматнинг чекловчи карорлари ва ҳоказолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита намоён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаш муддатигача узайтирилади.
- 7.2 Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 5(беш) кун ичida бошқа томонларни форс-мажор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огохлантирилиши лозим.
- 7.3 Агар форс-мажор ҳолати мазкур шартнома шартларини бажаришга 12 ойдан кўп муддат талаб киласа томонларнинг ҳар бири шартномани бекор килиш ҳукукига эга.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1 Шартнома унга томонлар имзо қўйган ҳамда Молия Вазирлиги ғазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилган санадан (вактдан) кучга киради ва 31 декабр 2022 йилга кадар амал килади.
- 8.2 Шартнома икки нусхада - ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКӢ МАНЗИЛЛАРИ

"БАЖАРУВЧИ"

O'ZMMI DM

Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий 33За

Х/р 2021000000775480001

в "ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНинг САГБОН
ФИЛИАЛИ

Банк коди 01036

СТИР 304909478

ИФТ 71200

Тел. 78-150-00-18

M.Y. SHARTNOMA VA
TURMOSHLARI
UCHUN
(имзо)

САИДОРИПОВ Л.Ф.

Бошюристикосиде

(ОЗМУСАСИ)
X/Р № 4299990

ХАКИМОВ Х.М.

**Yuriskonsul't
Farzaliev Nizami Ibatovich**

Nizami Farzaliev

"БЮЮРТМАЧИ"

"AKADEMIK O.S.SODIQOV NOMIDAGI

BIOORGANIK KIMYO INSTITUTI"

M.Ulug'bek ko'chasi, 83-у

Х/р Тошкент ш., М.Улуг'бек кучаси, 83

в Ш/х/р 4001086016269401510049009

ИФН: 200-540-765 СКЭД: 2110

Банк коди 01036 2000 3001 0000 1010

СТИР 200540755 2000 3001 0000 1010

ИФТ 101-122-919 МС ЕД: XXXXX

Тел. 712699754

E-mail: info@biochem.uz

Тел. 712699754

ИМЗО

Nizami Farzaliev



X/Р № 4299990